



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 25-noyabr • Payshanba • 137 (31.257) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan
www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон — Қатар:

ҲАМКОРЛИКНИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қатар Давлати Амири шайх Ҳамад бин Халифа Ол Сонийнинг таклифи биноан 23-24 ноябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Қатар Давлати араб дунёсида жадал ривожланаётган, нафақат ўз минтақаси, балки бутун жаҳонда салмоқли нуфузга эга мамлакатлардандир. Унинг йирик сиёсий анжуманларга, спорт мусобақаларига мезбонлик қилиши бунга мисолдир. Қатар илғор инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, илм-фанни ривожлантириш, сармоявий фаолият соҳаларида ҳам араб мамлакатлари орасида етакчилик қилади.

Ўзбекистон ва Қатар халқларининг тарихий, маданий ва маънавий яқинлиги, мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлик кенгайтириш йўлидаги муштарак интилишлари икки томонлама муносабатларни ривожлантириш учун пухта замин бўлиб хизмат қилмоқда. Иқтисодий глобаллашиб, жаҳон бозорларида рақобат кучайиб бораётган ҳозирги шароитда энергия манбаларига, замонавий технологияларга, транспорт коммуникациялари тармоқларини янада ривожлантиришга талаб тобора ошмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон ва Қатарнинг ўзаро алоқаларини ривожлантириши замоннинг ўзи талаб қилаётгани-

ни англатади. Шу жиҳатдан Президент Ислам Каримовнинг Қатарга ташрифи ўз вақтида амалга оширилган, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга воқеа бўлди.

24 ноябрь кuni Қатар Давлати Амрининг саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Президент Ислам Каримов ва Амир шайх Ҳамад бин Халифа Ол Соний шохсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Қатарнинг давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон Президенти ва Қатар Амири фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ўзбекистон ва Қатар раҳбарларининг музокарасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, жумладан, транспорт коммуникациялари соҳасидаги, шунингдек, гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

(Давоми 2-бетда.)

ЎзХДП минтақавий ташкилотларида



Аҳоли бандлигини таъминлаш аниқ натижалар учун ишлашни тақозо қилади

ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши ижроия кўмитаси ва халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳининг кўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда шаҳар, туман партия кенгашлари раислари ва ўринбосарлари, «Фаол аёллар», «Истикбол» ёшлар қанотлари етакчилари, шунингдек, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бۆшқармаси ҳамда Ўрта-махсус касб-хунар таълими бۆшқармаси вакиллари иштирок этди.

Дастлаб янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 2011 йилга мўлжалланган Тошкент шаҳар дастури лойи-

ҳасининг муҳим жиҳатлари ҳақида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бۆшқармаси бошлиғи ўринбосари Бахтиёр Мирхонوف маълумот берди.

Тошкент шаҳрида 2010 йили янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига кўра 62206 нафар ўрнига, 69973 киши иш билан таъминланган. Аммо бунда янги ишлаб чиқариш объектиларини ишга тушириш ҳисобига яратилган иш ўринлари сал-

моғи бор йўғи 1,5 фоизни ташкил этган.

Корхоналар билан меҳнат шартномаси асосида касаначиликни ташкил этиш янги йўлга қўйилмаган. Режалаштирилган 30 та корхонада касаначилик асосида янги иш ўринлари деярли яратилмади. Шунингдек, қатор корхона ва ташкилотларни кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринлари очилди сустанликка йўл қўйилган.

(Давоми 2-бетда.)

8 декабрь —
Конституция
қабул қилинган кун

КОНСТИТУЦИЯ
ВА ЮРИДИК
ФАН
ТАРАҚҚИЁТИ

→ 3

Истеъдодли ёшлар
— миллат гурури,
мамлакат таянчи

МУСИҚАДА
МИЛЛАТ
ОВОЗИ

→ 4

Эътироф

«Ўрта Осиёнинг трансгеографик экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмига қўллаш» мавзусидаги халқаро конференция жуда долзарб муаммоларга бағишланди. Чунки Ўрта Осиё минтақасининг бугунги экология муаммолари бутун дунё аҳлига дахлдордир.

Сарбосиё туманидаги экологик вазиятни бориб кўриш имконига эга бўлди. Тожикистон алюмин заводи чикараётган зарарли чикинди ва захарли газлар ушбу ҳудудга, атроф-муҳитга, аҳоли саломатлигига, ўсимлик ва ҳайвонот оламига етказиб қолган катта зарар оқибатларини кўриб, бефарқ қараб туриш мумкин эмас. Буларнинг барчасига асосан мазкур заводдаги технологияларнинг жуда эскириб кетгани сабаб бўлмоқда. Алюмин корхонаси ишлаб чиқаришда фойдаланаётган асбоб-ускуналар ва технологияларни зудлик билан янгилаш зарур. Бу атроф-муҳитга етказилаётган зарарни муайян миқдорда камайтириш имконини беради.

Тревор ТАНТОН,
Саутгемптон университети
профессори
(Буюк Британия)

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИ УЧУН БАРЧА МАСЪУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» маърузаси мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётида гоят муҳим воқеа бўлди. Маърузада юртимизда кечаётган серқирра жараёнлар катта интеллектуал куч билан чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилинди, мустақиллик йилларида босиб ўтилган йўлга ва демократик жамият ҳамда бозор иқтисодиётини барпо этиш соҳасидаги ютуқларга баҳо берилди. Шу билан бир қаторда давлатимиз раҳбарининг маърузасида ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясини изчиллик билан амалга оширишнинг янги марралари белгилаб берилди.

Сенаторларнинг, барча даражалардаги депутатлар корпусининг гоят муҳим вазифаси Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов маърузасида баён этилган қоида ва ҳулосаларни кенг жамоатчиликка, Ватанимизда яшайдиган ҳар бир инсон эътиборига етказишдан иборатдир.

Мана шу масъулиятли вазифанинг бажарилиши кўп жиҳатдан вақиллик ҳокимияти органларининг оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилишига, парламент ишида очкилик ва ошқоралик таъминланишига ҳам боғлиқ. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси томонидан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда 24 ноябрда ўтқа-

зилган семинар-тренингда сўз юритилди.

Семинар-тренинг қатнашчилари олдида замонавий оммавий ахборот воситалари соҳасидаги етакчи мутахассислар, мамлакатнинг таниқли журналистлари сўзга чиқиди. Жонли, интерфаол усулда ўтган машғулотларда замонавий ахборот технологияларини еггалаш, оммавий ахборот воситаларининг имкониятлари орқали тушунтириш ишларини олиб боришнинг аънанавий шакл ва усуллари билан фойдаланиш самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Чикишларда мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жамият ҳаётида оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий ва институциявий шарт-шароитлар яратилганлиги қайд этилди. Утган 10 йил мобайнида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баравар, электрон оммавий

ахборот воситаларининг сони 7 баравар кўпайиб, уларнинг умумий миқдори 1200 тага етди. Интернет тармоғидан фойдаланувчилар 6 миллион нафардан ошди.

Семинар-тренинг қатнашчилари демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг моҳияти ва мазмунини мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига етказиш учун парламент аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари яратиб берилган кенг имкониятлардан фаол ва мунтазам равишда фойдаланишлари кераклигига эътиборни қаратдилар. Семинар-тренингда оммавий ахборот воситалари билан фаол ҳамкорлик давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти жамоатчилик ҳамда парламент томонидан назорат қилинишини таъминлашнинг гоят муҳим ресурси эканлиги ҳам таъкидланди.

Семинар-тренинг ишида сенаторлар ва Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари соҳалар бўйича доимий комиссияларнинг раислари, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, жамоат бирлашмаларининг, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

(ЎЗА)

Муносабат



Раимберган САБУРОВ,
Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси,
халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари.

Мамлакат ҳаётида янгланиш жараёни

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисида тақдим этган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»ни халқимиз катта қизиқиш билан кутиб олди ва унда илгари сурилган ҳар бир гоя ва ташаббусни астойдил қўллаб-қувватлаб, бу борадаги вазифалар ҳақида фикр-мулоҳаза юритишмоқда.

→ 2

ЎзХДП Жиззах вилоят
кенгаши диққатига

ХОТИРЖАМЛИК КИММАТГА ТУШМАЙДИМИ?

ёки халқ депутатлари туман Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳининг электрот манфаатларига дахлдор муаммоларга лоқайд муносабати ҳақида

2-бет



Осиё ўйинларида кетма-кет икки спортчимиз — таниқли эркин курашчимиз Дилшод Мансуров ва иқтидорли енгил атлетикачимиз Юлия Тарасова олтин медални қўлга киритишди.

→ 4

«ЎЗБЕКISTON OVOZI» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Буна индекс — 220

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

8 декабрь — Конституция қабул қилинган кун

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 42-модда

КОНСТИТУЦИЯ ВА ЮРИДИК ФАН ТАРАҚҚИЁТИ

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти барпо этишда юридик фанларни ривожлантириш долзарб аҳамият касб этади. Конституциямиз юридик фанларни ривожлантириш ва унинг замонавий муаммоларини тадқиқ этишда муҳим ҳуқуқий манба бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, миллий ҳуқуқ тизимида Конституциянинг роли беқиёсдир. Бош қомусимиз юридик фан назариясини бойитибгина қолмай, балки ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳам салмоқли ўрин эгаллайди.

Юртбошимиз эътироф этганидек, мамлакатни жадал ривожлантириш борасидаги дастурий вазифаларни амалга оширишда фанни ва илмий инфратузилмани ривожлантириш янги муҳим аҳамиятга эга. Конституция Ўзбекистоннинг ҳақиқий мустақил давлат мақомига эга эканлигига қонуний асос солди, унинг тегишли меъриларида жамият ва давлат қурилишида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликка эришишида содир бўлган туб ўзгаришлар ўз аксини топди. Шу билан бирга, Конституция мамлакатимизда қонуний фаолиятнинг ривожлантириш ва бу соҳада эркин ижод қилиш имкониятини яратиб берди.

Конституциямиз олий юридик кучга эга ҳуқуқ манба бўлгани боис юридик фанларнинг унинг меъри, қоида ва принциплари асосида ривожлантириш истиқболли вази фаолият қилмоқда. Конституциянинг юридик фанларни ривожлантиришдаги ролини кўрсатиб берадиган илмий тадқиқотларни эса қуйидаги бир неча йўналишда таҳлил этиш мумкин.

Биринчи йўналиш давлат суверенитети, халқ ҳокимияти, Конституция ва қонуннинг устунлиги, ташки сийсат билан боғлиқ.

Конституциянинг асосий принципларини ўзида муҳасамалаштирган бу йўналишдаги илмий ишларни амалга

ошириш давлат суверенитетининг энг муҳим атрибутлари моҳиятини тизимли таҳлил этиш, яъни халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги, Ўзбекистонда демократия умуминсоний принципларга асосланганлиги, унга қўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадри-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади, демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонулар билан ҳимоя қилиниши, шунингдек, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаразлонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши илмий-амалий таҳлил имкониятини яратди.

Иккинчи давлат ҳокимиятининг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари билан боғлиқ муаммоларни илмий-амалий тадқиқ этиш юридик фанларни ривожлантиришнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Гарчи бу масалалар юридик фаннинг бутун бир институти бўлса-да, унда ҳуқуқнинг айрим соҳалари бўйича тизимли таҳлил этиш бўйича тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш зарур. Бу ўринда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлиги, Ўзбекистон фуқароси ва давлат бир бирига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва бурчлари билан ўзаро боғлиқлигини ёритиш долзарбдир. Юридик фан нуктаи назаридан, фуқароларнинг Конституция ва қонуларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеklang қўйишга ҳеч қанча ҳақиқ эмаслигининг моҳиятини очиқ бериш нафақат назарий, балки амалий жи-

ҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Учинчи давлат жамият ва шахс билан боғлиқ илмий назарий муаммоларни бир қатор жиҳатдан, чунончи, жамиятнинг иқтисодий негизлари, жамоат бирлашмалари, оила, оммавий ахборот воситаларининг Конституциявий асослари нуктаи назаридан тадқиқ қилиш лозим.

Тўртинчи давлат ҳокимиятида кам ёритилган масалалардан бири маъмурий-ҳудудий ва давлат тизимини ўрганиш билан боғлиқ. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳудудий тизимини, ҳусусан вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқий мақоми ёритиш истиқболли илмий тадқиқот йўналишларидан ҳисобланади. Айниқса, бу борада хорижий ва Ҳамдустлик давлатлари тажрибаларини ўрганиш ва қонуни ижодкорлиги фаолиятининг йўналишларини белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Бешинчи давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши йўналишлари бўйича Олий Махлис ваколатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқий мақоми, Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солиш асосларини, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти асосларини ўрганиш долзарб масалалар. Бу ўринда, ҳокимиятни марказлаштирмаслик ҳамда ваколатларнинг бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига топшириш, ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг роли ва ваколатларини кучайтириш борасида тадқиқот ишларини бажариш муҳим ўрин тутди.

Сир эмас, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли тобора ортомоқда. Шу боис буғунги кун юридик фаннинг янги истиқболли соҳаси сифатида нотижорат ҳуқуқини ривожлантиришни тақозо этмоқда. Бинобарин, энг муҳим давлат қарорлари қабул қилинишида сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг роли ва таъсирини кучайтириш мақсадида давлат органларининг айрим ваколатларини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топшириш конституциявий ҳуқуқ ва давлат қурилиши йўналишларидан келиб чиқиб тадқиқот ишларини амалга ошириш объектив заруратдир.

Бундан ташқари, юридик фан соҳаларини такомиллаштиришда иқтисодик йўналишларидан келиб чиқиб, суд ҳокимиятининг долзарб муаммоларини, прокуратуранинг ҳуқуқий мақоми ва суд процессида улар иштирокнинг процессуал жиҳатларини ҳар томонлама ўрганиш, Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимининг конституциявий асослари ва уни такомиллаштириш муаммоларини тадқиқ этиш долзарб муаммо ҳисобланади.

Конституция фанни ривожлантиришнинг қонуний асоси бўлгани боис, фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг устувор ҳуқуқий асосларини белгилаш зарур. Бугунги замонавий фан ҳуқуқий тартибга солишга муҳтождир. Фаннинг ҳуқуқий асослари жамиятда унинг роли ва таъсирини янада кучайтиришга хизмат қилади. Фан ютуқларига таянмасдан инновацион иқтисодий шакллантириб бўлмайди. Фаннинг ривожидан демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришга, фуқаролик жамиятини барпо этишга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, шу йилнинг 12 ноябрда Президентимиз томонидан эълон қилинган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»

да келиб чиқиб давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш; суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш; ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш; сайлов ҳуқуқини эркинлигини таъминлаш; фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш; демократик бозор ислохотларини ва иқтисодий либераллаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича истиқболли устувор йўналишдаги тадқиқотларни амалга ошириш тараққиётимизнинг муҳим гарови бўлиб хизмат қилади.

Бу йўналишларда қабул қилиниши мўлжалланган қонун лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиб, амалиётга тадқиқ этилиши демократик ислохотларни ҳуқуқий таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги шароитда мамлакатимиз фани, жумлаан, юридик фанлар олдига долзарб вазифалар қўйилмоқда. Шу боис юқоридаги Концепциядан келиб чиқиб фаннинг долзарб вазифаларини белгилаб олиш барча соҳада амалга оширилаётган ислохотларни илмий таъминлаш имкониятини яратди. Энг муҳими, фаннинг жамиятдаги роли ва ўрнини ошириш билан бирга, илмий-тадқиқот муассасаларининг бу борадаги масъулиятини кучайтириш мустақил демократик тараққиётнинг муҳим гаровидир.

Хулоса қилиб айтганда, Конституция меъриларни асосида юридик фанларнинг ривожлантирилиши ҳуқуқий тараққиётни жадаллаштиришга, қолаверса, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш илмий таъминлашда муҳим омил бўлади.

Шухрат РҶЗИНАЗАРОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор.



Шимол ва жануб ўртасидаги навбатдаги зиддият

Сариқ денгизда жойлашган Жанубий ва Шимолий Корейнинг баҳсли ҳудудларидан бири Йонпхендо оролида 23 ноябрь куни ҳарбий тўқнашув юз берди.



Сўнгги ярим асрдаги энг жиддий чегара тўқнашуви учун Шимолий ва Жанубий Корей бир-бирини айбламқода.

Бир соатта яқин давом этган отишмада ўнлаб Шимолий Корей снарядлари Жанубий Корейга тегишли Йонпхендо оролига тушган. Натижада икки аскар ҳалок бўлиб, йигирмага яқин одам яраланди.

Ҳозир отишмалар тўхтаган, чегарада икки мамлакатнинг шай ҳолатга келтирилган қуролли қучлари йиғилган. Бироқ БМТ ва қатор халқаро сийсатчилар яриморолдаги икки давлатни боқимчилик қорлаб, дарҳол тинчлик музокаралари ўтказилиши лозимлигини таъкидлашмоқда. Сиёсий вазиятнинг таранглашуви Осие биржа бозорида нархларнинг кескин кўтарилишига сабаб бўлмоқда.

Байрам тантанаси

азага айланди

Камбоджа пойтахти Пномпенда халқ фестивалларидан бири — ёмғирлар маъсуми туғашига бағишланган «Сув фестивали» тантанаси азага айланди.



Гап шундаки, минглаб одамлар Олмос оролида фестиваль концертини томоша қилишга келди. Тонлесан дарёси ақратиб турадиган бу оролни замин билан кўприк боғлайди. Кўприк устида ҳам одамлар кўп эди. Бир пайт кўприкда нотинчлик бошланди, унинг қулаётганлиги ҳақида бақириб одамларда ваҳима уйғотди. Натижада ҳамма қоча бошлади. Айнан шу ваҳимада бир неча киши оёқ остида қолиб кетди.

ИТАР-ТАСС хабар беришича, фожиа боис 375 киши қурбон бўлди (уларнинг 240 нафари аёллардир), 755 киши турли даражада тан жароҳати олди.

Саъй-ҳаракатларга қарамай

қурбонлар сони ортиб бормоқда

Гаити ҳукумати ва халқаро инсонпарварлик ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларга қарамай, мамлакатда вабо эпидемиясидан нобуд бўлиш даражаси ортиб бормоқда ва вабо-нинг тарқалиши ҳам кенг миқёс олмоқда.



Гаити Соғлиқни сақлаш вазирлигидан олинган маълумотларга асосланиб ИТАР-ТАСС маълум қилишича, хозиргача вабодан қурбон бўлганлар сони 1344 тага етди, касалликка чалинганлар эса 57 миңдан ортиб кетди.

Қўшни Доминикан Республикасида ўтган hafta 1 киши вабога чалинганлиги расман маълум қилинган бўлса, бу hafta уларнинг сони 4 тага етди. Бундай калитс эпидемиологик вазият санитария-эпидемиология чора-тадбирларини янада кучайтирилиши талаб этмоқда.

2013 йилдан эътиборан

президент умумхалқ сайловида сайланади

Чехия радиосининг хабарига қараганда, мамлакатда янги Сайлов кодекси ишлаб чиқилди.

У 2012 йил 1 октябрдан кучга кирди. Негаки, 2013 йил баҳорда мамлакатнинг амалдаги президенти Вацлав Клауснинг ваколат мuddати туғайди ва янги президент сайлови ўтказилади.

Янги Сайлов кодексида кўра, эндиликда президент аввалгидек парламент депутатлари томонидан эмас, балки умумхалқ сайлови орқали сайланади.

Самарқанд вилояти Онкология диспансери жамоаси бош шифокорнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Дилшод Раҳмоновга отаси

Баҳриддин отанин
вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан 2005 йил 20 июнда Гулбахор Обидова номига берилган О №001488, рўйхатдан ўтказиш тартиби 1472 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Мижозлар барқарор ҳамкорга ишонади

AGROBANK

Иқтисодиёт ва ислохот

Мамлакатимизда жадал амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларда банк хизмати алоҳида аҳамиятга эга. Чунончи, «Агробанк» акциядорлик тижорат банки мамлакат қишлоқ ҳўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни молиявий қўллаб-қувватлаб, тизимни бозор талаблари асосида ислоҳ қилиб боришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бу борада унинг Тошкент вилояти бошқармаси фаолияти диққатга сазовор. Бошқарма асосий эътиборни банкнинг актив ва пасивларини мукамал бошқариш, молиявий барқарорлик ва даромадлигини оптимал даражада сақлаш, банк тавоқалчилигини оқилона, бозор муносабатлари қонунийлари асосида бошқаришга қаратмоқда.

Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиларига, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналарга, шу жумладан, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси тизимидagi қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташши ва сотишга ихтисослашган корхоналарга юқори сифатли, жаҳон бозорига рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналари жорий этишга ҳамда ички истеъмол бозорини юқори сифатли озиқ-овқат товарлари билан тўлдиринишга қўллаб-қувватлаш мақсадида кредит бериш ва уларни молиялаштириш механизмларини изчи такомиллаштириб бериш йўлида астойдил ҳаракат қилинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида банк томонидан мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириниш ва нарх-наво-

ни пасайтириш ҳамда миожларга сифатли банк хизматларини кўрсатиш борасида аниқ белгиланган стратегик дастур асосида фаолият олиб борилди.

Бугунги кунда вилоятда банкнинг 13 та шаҳар ва туман филиаллари, 20 та маҳсус ва 1 та кўчма кассалари, 38 та минибанклари фаолият юритиб, улар томонидан 14954 дан ортиқ юридик ва жисмоний шахсларга халқаро андозаларга мос, кенг қамровли банк хизматлари кўрсатилмоқда.

Ўтган вақт давомида иқтисодиётнинг турли соҳаларига 72 млрд. сўмдан зиёд банк ресурслари жойлаштирилди. Жумладан, қишлоқ ҳўжалигига 53 млрд. 523 млн. сўм, sanoatga 7 млрд. 538 млн. сўм, savdoга 2 млрд. 15 млн. сўм, таъминот тарқатиш корхоналарига 2 млрд. 870 млн. сўм кичик бизнес субъектларига 2 млрд. 650 млн. сўм, истеъмол кредитларига 200 млн. сўм, ипотека кредитларига 47 млн. сўм миқдоридa кредитлар ажратилди.

Шунингдек, 2010 йилда пахта ва галла ҳосили етиштирувчи қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига ажратилган

имтиёзли кредитлар 55 млрд. 871 млн. сўмни ташкил этади.

Вазирлар Маҳкамасининг Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокидаги қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш II босқич лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги қарорига асосан қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини ишлаб чиқариш ва молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида Жаҳон банкнинг Халқаро тараққиёт уюшмаси маблағларини ўзлаштириш ҳисобига 14 та жами 1 млрд. 782 млн. сўмлик лойиҳа молиялаштирилди. Ажратилган кредитларнинг асосий қисми қишлоқ ҳўжалиги учун техника ва технологиялар сотиб олишга йўналтирилди.

Яқинда «Агробанк» Тошкент вилоят бошқармасига қарашли Зафар филиалида шундай суҳбатнинг гувоҳи бўлдик:

— «Обод Хуршидабону» фермер ҳўжалигини ташкил этганимга анча йил бўлди, — деди Зулфия Абдураимова. — Пахта ва галла етиштириб, мўл ҳосил олаёلمиз. Даромадимиз ҳам шунга яраша ошмоқда. Эришаётган муваффақиятларимизда «Агробанк» Тошкент вилоят бошқармасининг хиссаси катта. Негаки, унинг Зафар филиалидан молиявий кўмак сўрасак, ҳар доим ижобий ҳал этилади.

— Мен ҳам Зафар филиалининг миқозиман, — деди «Тон» балиқчилик ҳўжалиги раҳбари Анорқул Рустамов. — Балиқ ва балиқ маҳсулотларини янада кўпайтириш, нархини арзонлаштириш мақсадида балиқчилик ҳўжалигини ташкил этдим. Эзгу ишларни амалга оширишимизда «Агробанк» бизга маддадор бўляпти.

Бундай дил сўзларини қўллаб келтириш мумкин. Жорий йилнинг ўтган даврида жисмоний шахсларга 107,8 млн. сўм миқдоридa истеъмол кредитлари, шундан ёш оилаларга 25 млн. сўм ажратилди. Шунингдек, янги дўконлар қуриш ва реконструкция қилиш учун 44 млн. сўм ресурслар ажратилди. Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга 47 млн. сўм ипотека кредитлари берилди. 1 октябр ҳолатига инвeстиция кредитлари ва лизинг қолдиқлари 36 млрд. 300 млн. сўмдан зиёдди, йил бошидан ажратилган инвестиция кредитлари эса 9

млрд. 66 млн. сўмни ташкил этмоқда. Бундан ташқари, вилоят аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириниш ва нарх-навои пасайтиришга қаратилган 11 млрд. 818 млн. сўмлик 112 та лойиҳани молиялаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2010-2012 йилларда sanoat салоҳиятини ошириш, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш ҳудудий Дастури бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш, банкдан ташқари нақд пул айланмасини кискарттириш ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг планстик қарорлари асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарори талабларини бажариш мақсадида аҳолига пластик қарточкалар орқали хизмат кўрсатиш кенгайтириб борилмоқда.

Вилоят бўйича ўтган давр

давомидa аҳоли, бюджет ва нобиджет ташкилотлари хоҳари, вилоят аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириниш ва нарх-навои пасайтиришга қаратилган 11 млрд. 818 млн. сўмлик 112 та лойиҳани молиялаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2010-2012 йилларда sanoat салоҳиятини ошириш, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш ҳудудий Дастури бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш, банкдан ташқари нақд пул айланмасини кискарттириш ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг планстик қарорлари асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарори талабларини бажариш мақсадида аҳолига пластик қарточкалар орқали хизмат кўрсатиш кенгайтириб борилмоқда.

Вилоят бўйича ўтган давр

Спорт


ОЛТИН МЕДАЛЛАР ҚУВОНЧИ

юртдошларимиз қалбларида давом этаяпти



Голлиб спортчиларимиз шарафига Гуанжоу марказий майдонида Давлат мадҳиямиз садолари остида Ўзбекистонимиз байроғи баланд кўтарилди. Агар Осиё ўйинларидан олиб берилаётган телекўрсатувларни дунё аҳолисининг ярмидан кўпроғи кузатиб бораётганини ҳисобга олсак, спортчиларимизнинг бу галабаси нақадар катта аҳамиятга эга эканини англаш мумкин.

Яхши хабарнинг қаноти бор, дейишади. Спортчиларимизнинг олис Гуанжоудаги муваффақияти бир зумда мамлакатимиз бўйлаб таралди. Дилшод Осиё ўйинлари чемпиони бўлган захоти унинг биринчи мураббийини телефон орқали галаба билан табриклидик.



Юлия ўз олдида қўйган вазифани тўлиқ уддалади.

— Шогирдимнинг галабасидан жуда ҳаяжонданман, — деди бир оз тин олиб Нурлан Жақилқов. — Бу мусобақага алоҳида дастур асосида тайёргарлик кўрдик ва Дилшодни ўз вазн тоифасига (55 кг) қайтардик. Мусобақа арафасида Дилшодга Осиё ўйинларида албатта чемпион бўлишинг керак деб ўқтирдим. Тайёргарлигимиз зое кетмаганидан, шогирдим чемпион бўлганидан хурсандман.

— Сизнинг назарингизда, Дилшоднинг беллашувлари қандай кечди?

— Бундай тоифадаги мусобақаларда осон галаба бўлмайди. Биринчи беллашувда яманик спортчини ютганидан кейин, иккинчи беллашувда Осиё чемпиони бўлган эронлик полвонни енгди. Ярим финалда жану-

бий корейлик таникли полвондан устун келди. Финалдаги шимоллий корейлик полвон жаҳон чемпиони ҳисобланади. Уни очколар бўйича орқада қолаётган вақтда ютгани мени хурсанд қилди.

— Навбатдаги вазифалар тўғрисида ҳам тўхталсангиз, — Эндиги вазифамиз аниқ — Лондон олимпиадасига ҳозирлик кўриш ва у ерда

ҳам галаба қозониш! Аввало, мақсад эзгу ва улуғ бўлиши керак. Шунда яхши ният одамга йўлдош бўлади.

— Осиё ўйинларининг еттикураш мусобақасида голиб чиқиш учун бор куч-маҳоратини сарфлайман, — деган эди Юлия Тарасова Гуанжоуга жўнаб кетиш олдидан. — Имконият туғилса, узунликка сакраш мусобақаларида

медал учун курашаман.

23 ноябрь куни Юлия ўз олдида қўйган вазифани тўлиқ уддалади. Еттикураш мусобақасидаги рақиблари 800 метрга югуришга тайёргарлик кўраётган вақтда узунликка сакраш мусобақасида қатнашиб, бронза медалини қўлга киритди. У кўрсатган 6,49 м натижа, қумуш медал эгаси натижасидан атиги 1 см, голиб натижасидан 4 см кам эди, холос. Бу вақтда Юлия еттикурашда голибликни нақд қилиб қўйганди. Чунки биринчи кунги 100 метрга тўсиқлар оша югуриш, баландликка сакраш, ядро улоқтириш ва 200 метрга югуриш мусобақаларида голиб чиқиб, рақибларидан очколар бўйича анча ўзиб кетганди. Иккинчи кунги узунликка сакраш мусобақасида биринчи, найза улоқтиришда учинчи ўринни эгаллади. Сўнгги 800 метрга югуришда асосий рақиб япониялик спортчидан жуда орқада қолиб кетмаслиги кифоя эди. Узунликка сакраш мусобақасидан толиқиб қайтган бўлишига қарамай, Юлия марра чизигини учинчи бўлиб кесиб ўтди. У якунда 8783 очко жамғариб, иккинчи ўринни эгаллаган япониялик спортчини 177 очко орда қолдирди.

Барчамиз теннисчиларимиздан ҳам олтин медал кутгандик. Лекин финал ўйинида Денис Истомин ҳам, Оқул Омонмуродова ҳам ютқазиб қўйишди ва Осиё ўйинларининг қумуш медаллари билан кифояланмади. Барибир, теннисчиларимизнинг маҳорати ташкилотчилар томонидан эътироф қилинди: Денис Истоминга «Энг чиройли ўйини учун» сертификати ва эсдалик совғаси топширилди.

Кеча боксчилар ярим финал жанглирини бошлашди. Хуршид Тожибоев (60 кг) ҳиндистонлик, Санжарбек Раҳмонов (64 кг) эса қозғистонлик боксчига ютқазиб қўйиб, бронза медали билан қаноатланишди. Уқтам Раҳмонов (69 кг, 14:10) ва Элшод Расулов (81 кг, 12:1) хитойлик боксчиларни, Аббос Атоев (75 кг, 9:5) эса қозғистонлик рақибини енгиб финалга чиқишди ва камида қумуш медалларни нақд қилиб қўйишди.

Хитойлик боксчиларни, Аббос Атоев (75 кг, 9:5) эса қозғистонлик рақибини енгиб финалга чиқишди ва камида қумуш медалларни нақд қилиб қўйишди.

XVI Осиё ўйинларида қатнашаётган мамлакатимиз спортчилари жамғармасида ҳозирча 5 та олтин, 13 та қумуш, 19 та бронза медаллари бор. Мусобақалар эса қизгин паллага кирди. Биз спортчиларимизга омад ва галаба тилаймиз!

Асрор МҮМИН

Истеъдодли ёшлар — миллат гурури, мамлакат таянчи



■ 2010 йилнинг октябρι. Германия пойтахти Берлин шаҳрида ўтказилаётган Гиндемит Витберб Халқаро мусиқа фестивалида дунёнинг 50 дан ортқ мамлакатидан ташриф буюрган истеъдодли ёш мусиқачилар иштирок этмоқда. Скрипка йўналишида 2-турдан сўнг фақат 12 та иштирокчи финал босқичига йўл олди. Мурақаб кечган ҳал қилувчи беллашувлари баҳолаб борган Буюк Британия, Швейцария, Германия, Эстония ва руминиялик ҳакамлар ҳайъати 3 нафар иштирокчини голиб деб эълон қилди. Улар орасида ўзбекистонлик **Мухриддин Сайфиддин** номини янграганида, йигилганларнинг олқиши бутун зални титратди. Зеро, ҳақиқий баҳони муҳлислар бериб бўлганди.

Мусиқада миллат овози

— Бу каби танловларда кўп марта қатнашганимга қарамай, улкан саҳна салобати мени бироз ҳаяжонга солди, — дейди Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчиси Мухриддин Сайфиддин. — Аммо ортимда Ватаним, отанам, дўстларим ва устозларим турганини ҳис қилгач, юрагимдаги бу ҳадик қатъий ишончга айланди. Уз чиқошимни якунлаганимдан сўнг, ҳатто ҳакамлар ҳам ўрнидан туриб гулдурас қарсақлар билан олқишлашди. Швейцариянинг Маггини халқаро фонди эса финалчилар орасидан ёлғиз менга ноёб скрипка совға қилди.

2010 йил 29 август куни В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг капитал реконструкция қилинган ўқув биносига ташриф буюрган Президентимиз бу ерда таҳсил олаётган истеъдодли ўқувчилар билан ҳам учрашди. Давлатимиз раҳбари ёш мусиқачиларимизга ҳар доим буюк аждодларимизга муносиб вазир бўлиш, буюк халқнинг фарзанди эканликларини чуқур ҳис этиш кераклигини ўқтирди. Бу сўзларни тинлаганлар орасида Мухриддин ҳам бор эди. Бугун у хориз саҳналарида, халқаро анжуманларда юксак салоҳиятга эга бўлган миллат овозини куйга солимоқда. Мухриддин ўзининг илк кат-

та ютуғига 7 ёшида эришди. Ўшанда у «Соғлом авлод» Республика кўрик-танловида 1-ўринни эгаллаганди. 2004 йилги «Санъат гўнчалари» ва 2006 йилги «Янги авлод» фестивалларида ҳам унга тенг келади-гани топилмади. 2008 йилда ўз санъати билан энди бутун Европани лол қолдирди.

Украинада ташкил этилган Халқаро «Кўк қуш» танловида бош соврин соҳибига айланди. Ўша йилнинг ўзида Қозғистонда бўлиб ўтган «Астана Мерей» ёш мусиқачилар мусобақасида эса иккинчи бўлди.

Шунингдек, «Ўзбекистон маданияти ва санъати» Форуми жамғармаси томонидан Австрия ва Швейцария мамлакатларида ўтказилган «Тошкент: кеча — бугун» халқаро концерт дастурларидаги бетақрор ижроси барчани лол қолдирди. Мухриддин 2009 йилда Италиянинг Сан-Барталомео шаҳрида скрипкачилар ўртасида ўтказилган халқаро беллашувларда ҳам тенгсиз деб эътироф этилди.

Жорий йил ҳам унинг учун омадли бошланди. Хусусан, февраль ойида Санкт-Петербург шаҳрида 50 дан ортқ мамлакат ўртасида ташкил этилган «Европага назар» 5-Халқаро мусиқа фестивалида қаҳрамонимиз скрипка йўналишида ҳозирча унга ҳеч ким рақобат қила олмаслигини исботлади ва олий ўрин — гранприга сазовор бўлди. Бундан ташқари, томошабин симпатяси» номинациясида Жамшид Саидқаримов, Ниладар Мухиддинова ва Елена Кан билан бирга, мутлақ голиб сифатида тақдирланди.

Ҳозир ёш истеъдод йил охирида Москвада ўтиши режалаштирилаётган нуфузли кўрик-танловга жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Мухриддин у ерда ҳам Ватанимиз мусиқасини энг йқори ўринга олиб чиқмоқчи.

В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчилари, хусусан, устози Мансуда Аҳмедованинг энди-гина 14 ёши қаршилаётган Мухриддиндан умиди катта. Зеро, бу муваффақиятлар у дадил кўтарилаётган чўққининг остонаси, холос. Унинг энг баланд нуқтасига чиқиш учун эса тинимсиз меҳнат, кўчи иштиёқ ва интилиш бўлса кифоя. Бунинг учун эса юртимизда барча имкониятлар етарли.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Тадбир

Суд департаменти ва ОАВ

■ Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан суд қарорлари ижросини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ОАВда ёритиш мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда Суд департаментининг масъул ходимлари иштирок этди. Мамлакатимизда ижро этиш юритишга оид ислохотлар босқичма-босқич олиб борилмоқда. 2001 йилда ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Маъруз Қонун билан ижро ҳужжатларининг ижросини таъминлаш вазифаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментига юклатилди.

Охириги тўққиз йил ичида суд қарорларини мажбурий

ижро этиш тизимини ҳамда Суд департаментининг фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш бўйича Қонун ва қарорлар ҳамда бошқа турдаги меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Натижада Суд департаменти таркибида ундирувларнинг турлари бўйича ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил этилди. Ташкилий-назорат ва таҳлил бۆсқармаси, Ички хавфсизлик инспекцияси, Статистика ва таҳлил бўлими шулар жумласидандир, ҳудудий бўлимлар тузилмасига ҳам тегишли ўзгаришлар киритилди.

Сўнгги тўққиз йил ичида Суд департаменти ходимларининг сони салкам 9 баравар кўпайтирилиб, 1270 нафарга етказилди.

Кадрлар захираси шакллантирилди, суд ижросини лавозимга номзодларни танлов асосида саралаб олиш тартиби жорий этилди. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказида суд ижросини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари ташкил этилди. Соҳадаги мутахассисларни тайёрлаш мақсадида олий юридик таълим муассасалари ўқув дастурларига «Ижро иши юритиши» мустақил фани киритилди. Суд департаментини ижро ҳужжатлари бўйича электрон ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва улар устидан доимий назорат ўрнатиш мақсадида ягона ахборот-компьютер тармоғини яратиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар белгиланди.

Соҳада амалга оширилган ишлар натижасида бир қатор ижобий натижаларга эришилди.

Матбуот анжуманида журналистар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олди.

Рашид ШОДИЕВ



Жарқўрғон тумани тиббиёт бирлишида ходимлари (вақф) неонатологлар Мухаббат Бозорова, Дилфуза Абдураҳмонова ва дон Ойгул Умарова.

Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида тахрири билан мутахассислардан иборат иши гуруҳи тузилиб, бу борада амалга оширилаётган ишлар мониторинги йўлга қўйилди. Туман ҳокимлиги вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, тиббиёт ходимлари, ҳуқуқ-тарти-

бот идоралари ҳамда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзининг аҳамияти бўйича тушунтириш ишлари олиб борилаётган.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларининг самардорлигини оширишда бирламчи тиббий муассасалар муҳим ўрин тутуди. Шунга кўра, тумандаги 11 қишлоқ врачлик пункти «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида замонавий усулда жиҳозланиб, маалаки тиббий хизмат кўрсатиш учун зарур шарт-шароит яратилди.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla O'RIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afur HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihidin MUHIDDINOV
Andy KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — (374) 225-32-70
Buxoroda — (365) 223-06-02
Gulistonda — (367) 225-46-45
Jizzaxda — (372) 227-48-35
Navoiyda — (436) 223-83-73
Namang'da — (369) 226-43-81
Nukusda — (361) 222-77-21
Samarqandda — (366) 235-02-55
Urganchda — (362) 517-30-58
Farg'onada — (373) 224-18-78
Denovda — (376) 412-37-80

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Dilshod NARZULLAYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi.
Korxonada: 411-uy.
Buyuk Turon ko'chasida.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma tabaq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1049
7648 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'ZA yakuni — 04.00
Topshirilgan vaqti — 05.15
1 2 3 4
Sotuvda erkin narxda